# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 26 октябрь, № 207 (5374) Чоршанба

## Туркманистон:
# МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

***Туркманистон 2011 йилнинг 27-28 октябрь кунлари янги тарихидаги муҳим воқеа — ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг ва катта тантана билан нишонлайди. Туркманистон ўзининг асосий байрамини улкан муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.***

Туркманистон раҳбарининг оқил ва узоқни кўзлаган ички ва ташқи сиёсати ҳамда жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, халқимизнинг бунёдкорликка интилиши, рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳеч қачон ортга қайтмаслигига қатъий ишонч самарасида юртимизда сиёсий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда изчил ривожланишга эришилмоқда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ва сўнгги беш йилда «Тикланиш ва Туб ўзгаришларнинг янги йўли» деб ном олган ўзгаришлар юртимиз равнақи, кўп миллатли халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг шарт-шароитлар яратди. Ўтган йиллар давомида асрларга татигулик йўлни босиб ўтдик. Бу ўзгаришларнинг моҳияти бунёдкорлик, туб ислоҳотлар, юксалиш ва модернизация жараёнлари мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ўз тараққиётининг ҳар бир инсоннинг ижодий имкониятларини кашф этиш, фанни ривожлантириш, интеллектуал даражани ошириш, тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарода фаол ҳаётий позицияни тарбиялашга асосланган принципиал жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди.

Давлатимиз раҳбари ҳаётий реалликка таянадиган мутлақо янги фалсафани эълон қилди, жамиятга кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини қамраб олган ҳамда тамомила янги Концепция ва уни амалга оширишнинг устуворликларига асосланган мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш дастурини таклиф этди. Бунинг самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги беш йилда асосий мақсадга эришилди — халқимиз янги жамият қуриш зарурлигини чуқур ҳис этиб, мустақил тараққиёт йўлидан ишонч билан одимламоқда ва Янги тикланиш даври муваффақиятига ишончи қатъий. Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида илм-фан, таълим ва илғор тажриба соҳаларини тараққий эттириш, энг янги технологияларни татбиқ этиш, ресурс ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига улкан муваффақиятларга эришиш таъминланди. Инсон манфаати жамият ва давлатнинг олий қадрияти, деб эълон қилинган ва «Давлат — инсон учун!» шиори остидаги ислоҳотлар сиёсатининг устувор жиҳатига айланган.

Туркманистоннинг давлат қурилиши борасида эришган муваффақиятлари олиб борилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган ислоҳотлар нақадар тўғри ва узоқни кўзланганини, Туркманистон раҳбарининг тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий ташаббуслари ва ғоялари қанчалик ҳаётий ва зарур эканлигини кўрсатмоқда. Пенсиялар, давлат нафақалари миқдорини ошириш, уруш фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш Президент Гурбангули Бердимуҳамедов давлат сиёсатининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган курс «Демократик бозор ислоҳотлари — ҳар бир оилада фаровонлик — кучли давлат» формуласи асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқимизнинг раҳбари социал тузилманинг ишлаб чиқариш таркибига, хусусий тадбиркорлик эркинлиги ва замонавий бозор инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тиббиёт ва таълим, фан ва маданият, спорт ва сайёҳлик соҳаларида рўй бераётган залворли ўзгаришлар кишини ҳайратга солади. Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг гуманитар асосини ташкил этувчи бу ислоҳотлар жамиятимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. «Билимли авлод — қудратли Ватан» шиори остида амалга оширилаётган халқимизни маънавий-маданий юксалтириш жараёни Янги тикланиш даврининг туб маъно-моҳиятини ташкил этади ҳамда миллатимиз бунёдкорлик салоҳиятини жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти ҳамда равнақини таъминлаш йўлида сафарбар этишга хизмат қилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз бугун ўз миллий тараққиётининг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Бу — Туркманистон етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг узоқни кўзлаган сиёсати, унинг кишини ҳайратга соладиган даражадаги иш қобилияти, дунё миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби бўлган раҳбаримизнинг нафақат мамлакат ички ҳаётига дахлдор энг мураккаб масалаларни, балки ташқи сиёсат, тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш, бу билан боғлиқ бўлган глобал, минтақавий ва минтақалараро даражадаги масалаларни ҳал этишда ҳам ёрқин намоён бўлаётган истеъдоди самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

# САНОАТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

***Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади. Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда саноат тармоғи жадал ривожланмоқда. Бунда кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.***




Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда озиқ-овқат, енгил, кимё, машинасозлик, қурилиш саноатида, умуман, иқтисодиётнинг барча тармоқларида 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани, шунга мос равишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2009 йил 1 декабрда имзоланган “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилаётган мазкур тадбир эса айнан шу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга ва юқори самарадорликка эришишда муҳим омил бўлаётир. Негаки, саноатчиларнинг мазкур йирик иқтисодий форуми импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантиришга, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳажмининг ўсишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Унда иштирок этувчилар сони ҳам, маҳсулотлар тури ҳам йил сайин ортаётгани ана шундан далолат беради. Масалан, жорий йилги тадбирда мамлакатимизнинг мингдан зиёд компания ва корхоналари томонидан 6500 турдаги маҳсулот намойиш қилинмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 420 тури Маҳаллийлаштириш дастури асосида шу йилдан бошлаб ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир. “MAN” ва “Captiva” автомобилларининг янги русумлари, полимер гранулалари, мотор ва мотор мойлари, диодли лампалар, “LCD” телевизорлари, сэндвич панеллари шулар жумласидандир.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасининг 7 та кўргазмалар зали ва очиқ майдонини айланар эканмиз, бундай янгиликларни кўриб, дилимизда ғурур ва ифтихор туйғулари уйғонди. Ахир фахрланмай бўладими, буларнинг бари ўзимизнинг, Ўзбекистоннинг маҳсулоти, ўзбек саноатчиларининг меҳнати маҳсули. Бу — мамлакатимиз саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий самараси. Мана, нега хорижлик лар юртимизга қизиқади, ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишга ошиқади! Дарвоқе, бу йилги ярмаркада Германия, Италия, Латвия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия каби давлатлардан хорижий фирма ва компанияларнинг 800 нафардан ортиқ вакиллари қатнашаётган бўлса, улар ярмаркада нафақат ўз маҳсулотларини намойиш этишаяпти, балки ана шундай янгиликлар билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлишаётир.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ГАНЖИНАСИ»

***Сингапурда Ўзбекистонга бағишланган ана шундай номдаги махсус журнал чоп этилди.***

### Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиш йилларида эришган муваффақиятлари, Ўзбекистон — Сингапур муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари, юртимизнинг сармоявий салоҳияти мавзуларига доир атрофлича маълумотлар мазкур журнал саҳифаларида ўз ифодасини топди.

Хусусан, унда Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси ва бой тарихий мероси, мамлакатимизда таълим, маданият, иқтисодиёт ҳамда сайёҳлик соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқ-муваффақиятлар тўғрисидаги мазмунан бой мақолалар ранг-баранг суратлар билан чоп этилган.

Журнал Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади.

Мазкур мавзу доирасида юртимизда мустақил тараққиёт йиллари мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида ҳикоя қилувчи салмоқли мақола ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Унда Ўзбекистон машҳур беш тамойилни ўзида мужассам этган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ қилгани ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ўз йўлини танлаб олгани таъкидланади. Мақолада, шунингдек, мамлакатда давлат ва конституциявий тизимни тубдан ўзгартириш ҳамда янгиланишини таъминлашга муваффақ бўлингани, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич изчил ривожлантиришга мустаҳкам замин яратилгани, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг барқарор ўсишига эришилгани алоҳида қайд этилади.

(Давоми 2-бетда).

### Сарҳисоб

***Давлат солиқ қўмитасида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг тўққиз ойлик фаолияти якунлари ҳамда жорий йилни муваффақиятли якунлаш борасидаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг республика маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини, кадрлар танлаш ва тайинлаш тартибини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишлаб ўтказилган мажлисида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).

## Халқаро кинофорум:
# Ёрқин таассуротлар, унутилмас лаҳзалар

### «Art Week Style.UZ — 2011»

Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда пойтахтимизда "Art Week Style.UZ — 2011" тадбири доирасидаги ижодий лойиҳалар, танлов ва фестиваллар, форум ҳамда тақдимотлар давом этмоқда. Кеча Ёшлар ижод саройида санъат ҳафталигининг ана шундай йирик лойиҳаларидан бири — "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида юқори савияда ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда).

***Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан “Minitex.UZ” халқаро кўргазмаси ташкил этилди.***

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР

### Халқаро кўргазма

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбирда вилоятда фаолият юритаётган 100 га яқин корхона вакиллари, хусусий тадбиркорлар ҳамда хорижлик ишбилармонлар қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда юртимиз бозорида тобора харидоргир бўлиб бораётган дунёга машҳур “Viniks” компанияси технологиялари тадбиркорларимизга манзур бўлаётир. Негаки, 60 дан зиёд турдаги ушбу илғор дастгоҳлар ёрдамида 100 хилдан ортиқ сифатли истеъмол маҳсулотларини тайёрлаш мумкин. Қолаверса, улар нафақат электр қуввати, балки механик тарзда ишлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бу ихчам ускуналарнинг ана шу жиҳати мени кўпроқ қизиқтирди, — дейди ёш тадбиркор Соҳиба Яллабоева. — Жорий йилда “Менинг бизнес ғоям” лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, банкдан фоизсиз кредит олиш имкониятига эга бўлдим. Ана шу маблағ эвазига мазкур компания томонидан таклиф қилинаётган, мевани қайта ишлаш ва қадоқлашга ихтисослаштирилган минитехнологияни харид қилиш ниятидаман.

(Давоми 2-бетда).

# ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ, ФАХРУ ИФТИХОР БАХШ ЭТДИ

***Бугун юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берилган экан, бунда, табиийки, заҳматкаш деҳқон ва фермерларнинг, сувчи ва механизаторларнинг, агроном ҳамда селекционерларнинг, барча мутахассис ва мутасаддиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Президентимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида буни алоҳида эътироф этиб, ҳаммамизни “қадрдонларим” дея самимий муборакбод этганлари бизни беҳад қувонтирди.***

### Дил сўзи

Дарҳақиқат, табрикда алоҳида таъкидланганидек, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги қишлоқ хўжалиги мавсуми биз учун кўп жиҳатдан мураккаб кечди. Жорий йил баҳорида юз берган табиий қийинчиликлар, ёз ойларидаги қаттиқ қурғоқчилик ва кучли сув тақчиллиги, жазирама иссиқ ҳамда гармселлар ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Шундай мураккаб бир шароитда деҳқонларимиз кўп йиллик тажрибасига таяниб иш юритгани, давлатимиз томонидан пахтачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида изчил чора-тадбирлар кўрилгани, хусусан, сифатли уруғлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида етказиб берилгани ҳосил тақдирини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этгани барчага маълум. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланган фермер хўжалигимиз аъзолари ҳам шартнома режасини илғорлар қаторида уддалаб, 42,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил етиштиргани, хом ашёнинг қарийб 90 фоизи юқори навга сотилгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Қувонарлиси, пахтачиликка ихтисослаштирилган 476 та фермер хўжалигининг аксарият қисми маррани барвақт эгаллагани туфайли туманимизда сентябрь ойидаёқ катта хирмон уюлди.

Бундай муваффақият, энг аввало, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани натижасидир.

Фермерларнинг йил сайин бундай юксак натижаларга эришиши, ўз навбатида, уларнинг қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги фаол иштирокини таъминламоқда. Масалан, биз бултурги даромадимиз ҳисобидан маҳаллага газ қувури тортилишига кўмаклашган эдик. Жорий йилда ғаллачилик ва пахтачиликдан оладиган даромадимиз 230 миллион сўмдан ортишини назарда тутиб, унинг маълум қисмини қишлоқ врачлик пункти қурилишига ажратишни мўлжаллаб турибмиз. Ишонаманки, бошқа ҳамкасбларимизнинг дилида ҳам ана шундай эзгу ниятлар мужассам.

Булардан англашиладики, бугун деҳқон ва фермерларнинг илми, тажрибаси ва ғайрат-шижоати аграр соҳанинг жадал ривожига хизмат қилмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шундан иборатдир.

**Аҳмаджон УЛУҒБОЕВ,**
**Уйчи туманидаги «Улуғбек» фермер хўжалиги раҳбари.**



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.***

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ҚОНУНЧИЛИК

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Тадбирда мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик асослари интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Жумладан, Конституциямизда ҳам ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланганлиги белгилаб қўйилган.

— Бугунги кунда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳар бир давлат тараққиётининг узвий қисмига айланди, — деди қўмита раиси Э. Юсупов. — Бинобарин, соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш, тегишли ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ва Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилгани ана шу вазифаларни амалга оширишда айни муддао бўлди.

Давра суҳбатида интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси хусусида, жумладан, бу борадаги нормаларни бир-бирига мослаштириш, тегишли қоида ҳамда атамаларни унификациялаш, уларнинг бир хилда қўлланиши, интеллектуал мулк ҳимоясини янада кенгайтиришга оид мулоҳазалар айтиб ўтилди.

Тадбирда сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

— Интеллектуал мулк муҳофазаси нечоғли мустаҳкам бўлса, тараққиётнинг янги марраларини қўлга киритиш имконияти шу қадар юқори бўлади, — деди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А. Раҳмонов. — Энг муҳими, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислоҳотларнинг ажралмас бўғинидир. Қолаверса, бу энг замонавий илм-фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор инновация тизимига таянган иқтисодиёт равнақини янада жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Н. Каримованинг айтишича, замонавий иқтисодиётнинг етакчи кучи — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида модернизациялаш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлашнинг ўрни беқиёс.

— Маълумки, бугун ишлаб чиқариш самарадорлигини интеллектуал мулк маҳсулотлари — ихчам, қулай ва тежамкор техника воситалари, минитехнологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди у. — Табиийки, бу борадаги муваффақиятлар калити, энг аввало, интеллектуал мулкнинг қонуний жиҳатдан ҳимояланганлиги билан боғлиқ. Шу боис интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш — давр талаби, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

— Интеллектуал мулк соҳаси ютуқлари жамият ривожида, аҳолининг барча қатламлари учун қатор қулайликлар яратишда муҳимдир, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А. Қирғизбоев. — Хусусан, тизимнинг ҳуқуқий муҳофазаси мустаҳкам эканлиги самарали инновацияларни яратишга замин бўлади. Натижада юқори даражали, мақбул ижтимоий-коммунал хизмат кўрсатишни таъминловчи, юқори технологияларга асосланган замонавий инфратузилмани изчил ривожлантириб бориш имкониятлари ошади.

— Юртимиз азал-азалдан улуғ алломалар, олимлар диёри бўлиб келган, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А. Маматов. — Истиқлол йилларида аждодларимизнинг бой илмий меросини тадқиқ қилиш, халқимиз салоҳиятини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилди. Айниқса, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни кенгайтириш, фан-техниканинг замонавий ютуқларидан оқилона фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш эса фан-техникада янги-янги чўққиларни забт этиш, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини изчил юксалтириш, истеъдод эгаларини янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш имконини яратади.

— Айни пайтда табиатни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлаш ҳар доимгидан ҳам долзарб маъно касб этмоқда, — деди Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси И. Атаджанов. — Бу эса соҳадаги тадқиқотларни янада кўпайтириш, қолаверса, атроф-муҳитга зарарсиз, энергия тежайдиган инновация маҳсулотларини кўпроқ яратиш заруратини юзага келтирмоқда. Ана шу масалани ижобий ҳал қилишда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид нормаларнинг такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# «ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ГАНЖИНАСИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари, муваффақиятли ҳамкорлик тарихи" рукни остида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ўсувчанлиги ҳақида ҳикоя қилувчи материал ўз аксини топган. Унда сўнгги уч йил мобайнида 5 та қўшма бизнес-анжуман ўтказилгани қайд этилади.

Статистика маълумотларида келтирилишича, 2010 йил якунлари бўйича давлатларимиз ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 178 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда Сингапур сармоядорлари иштирокидаги 20 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Улар тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат саноати, таълим, савдо-сотиқ сингари соҳаларни қамраб олган. Айни пайтда 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

"Ўзбекистон иқтисодиёти" ҳамда "Сармоявий салоҳият: саволлар ва жавоблар" рукнлари остида эса республикамиз ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда юртимизнинг сармоявий салоҳияти тўғрисидаги тўлақонли маълумотлар журнал ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинган.

Шунингдек, журнал саҳифалари орқали мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ўзгаришларга сингапурлик етакчи мутахассислар томонидан берилган баҳолар ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам танишиш мумкин.

Жумладан, "Индорама" компаниясининг бошқарувчи директори Амит Лохия, "CFM Holdings" гуруҳининг бош ижрочи директори Жанет Лим ҳамда Сингапур Менежмент тараққиёти институтининг бош котиби доктор Тейвендран юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжудлигини қайд этиб, Сингапур компанияларини Ўзбекистон билан изчил шериклик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга чорлайди.

Мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган, бу эса нафақат Марказий Осиё, балки Шарқий Европа ва Россия сингари қўшни минтақалар билан бизнес ҳамкорлигини ўрнатишдан манфаатдор бўлган компаниялар учун ҳам юртимизнинг жозибадорлигини янада оширади.

"Саёҳат ва сайёҳлик" бўлими орқали эса журналхонлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик, транспорт инфратузилмаси ҳамда маънавий-маданий мероси билан яқиндан танишишлари мумкин. Мазкур бўлимдан, хусусан, Буюк Ипак йўлининг нодир ганжиналари ҳисобланмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жиҳатлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

**«Жаҳон» АА.**





# САНОАТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қисқача айтганда, ярмаркага ташриф буюрган киши борки, стендлар ёнидан бефарқ ўтиб кета олмайди. Албатта, кимнидир қайсидир янги маҳсулот қизиқтириб қолади. Тадбир доирасида тақдимот маросимлари, тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирокида семинарлар ташкил этилаётгани эса уларнинг бу борада батафсил маълумот олишлари учун янада қулайлик яратмоқда.

V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи иш кунида Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти, "Андбурсервис", "Водий антикор инвест" масъулияти чекланган жамиятлари, Тошкент, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларининг тақдимот маросимлари ўтказилди. Ушбу тақдимот маросимларида корхоналар вакиллари янги маҳсулот турлари хусусида маълумотлар берган бўлсалар, ҳудудлар мутасаддилари саноатчиларни ўз салоҳият ва имкониятлари билан таништирдилар.

— Биласиз, корхонамиз металлургия соҳасида етакчилардан ҳисобланади, — дейди "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Расулхон Эшонхонов. — Ҳозирги кунда жамиятимизда мамлакатимиз металлургия саноатини ривожлантириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастурига биноан, 96,2 миллиард сўмлик ўрнига 133,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса 104,3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Эътиборлиси, бу йил тўққиз турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бугун ярмарка иштирокчиларини ана шу янгиликлардан бохабар этиб, жамиятимизнинг келгуси режалари билан таништираяпмиз.

V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси мана шундай ишчан руҳда давом этмоқда.

Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тўрт кун давом этган тадбирда хусусий корхона вакиллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар халқаро стандартларга мос келадиган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган минитехнологиялар имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

— Компаниямиз тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари учун ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Ҳиндистоннинг "Fashion Intensive" компанияси менежери Сарит Падж. — Кўргазмада юртингизда бундай минитехнологияларга талаб юқорилигига амин бўлдик. Тадбир давомида кўплаб ҳамкорлар топганимиз, ўнга яқин тадбиркорлар билан шартномалар тузганимиз бунинг далилидир.

Шунингдек, кўргазмада Ҳиндистоннинг "Karan FEB", "Swite export", "Sapna impex", "Eleganse Gems" каби 30 дан зиёд йирик компания ва фирмалари ҳамда Ўзбекистон — Хитой савдо уйининг замонавий ускуналари намойиш қилинди. Тадбир доирасида кичик ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш бўйича бизнес-форум ташкил этилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Туркманистон: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни мустақил Ватанимиз эришган ҳамда ҳаётимизда ўз аксини топаётган улкан муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳа, халқимиз юртимиз тарихи саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан мангуга муҳрланадиган, мамлакатимиз янги тарихидаги муҳим воқеа — давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини улкан зафарлар билан кутиб олмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати самаралари айниқса, рақамларда яққол кўринади. Ана шу рақамлар замирида жўшқин меҳнат, янада яхшироқ ишлаш имкониятлари ифодаси мужассамдир, айни пайтда миллий иқтисодиётимиз ҳолатини баҳолаш имконини беради. Мамлакатимизда жорий йилнинг 8 ойи якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 114,5 фоизни ташкил этди. ЯИМ ўсиши иқтисодиёт тармоқлари кесимида қуйидагича ўз ифодасини топди: саноатда — 123,8, транспорт ва алоқа соҳасида — 107,2, савдода — 108, хизмат кўрсатиш соҳасида — 107 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши суръати ҳам юқори. Масалан, бу кўрсаткич саноатда — 147,9, қурилишда — 118,1 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмаларнинг миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22,5 фоиз ошди. Ташқи савдо айланмаси 40 фоиз ўсди ва 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Газ қазиб олиш 42,3, уни экспорт қилиш кўрсаткичлари 76,1 фоиз ўсди. Нефть ва конденсат қазиб олиш 107 фоизни ташкил қилди. Хитой Халқ Республикасига 13,68 миллиард кубометр газ етказиб берилди. Мамлакатда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес изчил ривожланмоқда. Амалга оширилган ишлар самарасида иш ҳақи даражаси 113,2 фоиз ўсди, аҳоли даромадларининг узлуксиз ўсиши таъминланди. Ижтимоий-маиший объектлар — мактаблар, шифохоналар, тураржойлар, болалар боғчалари ва бошқа иншоотлар белгиланган муддатларда қурилди ва фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг нақадар кенг кўлам касб этаётганини қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Бугун Туркманистонда умумий қиймати 48 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи 2220 объект барпо этилмоқда. Ижтимоий эҳтиёжларга сарфланаётган харажатлар 70 фоиздан ошади. Юқорида келтирилган маълумотлар глобал иқтисодий инқироз шароитида ҳам давлатимиз нафақат макроиқтисодий барқарорлик ва молиявий мустақилликни сақлаб қолишга, балки юқори ўсиш суръатларини таъминлашга ҳам эришганидан далолат беради.

Мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа — Туркманистон Президенти сайловига ҳам яқин қолди. Ўтган сайловлардан буён мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистон Президент сайловига сифат жиҳатдан ўзгарган фуқаролик онги ва янги дунёқараш билан қадам қўймоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошиб бормоқда. Бунга аниқ мақсадга йўналтирилган «Очиқ эшиклар» сиёсатини амалга ошириш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, тенг ҳуқуқли шерик сифатида жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш натижасида эришилди. Мамлакатимиз доимий бетараф давлат мақомидан фойдаланган ҳолда минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда замонавий глобал таҳдид ва хавф-хатарларга, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Туркманистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш бўйича қулай шароитлар яратиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди, бутун дунёда хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган халқаро муносабатлар тарафдоридир. Туркманистоннинг бундай позицияси дунёдаги кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва бу мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошишига, мустақиллиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти сезиларли даражада ривожланди. Бугунги кунда илгари орзу қилишимиз ҳам қийин бўлган улкан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқдамиз. Туркманистон, Эрон ва Қозоғистон ҳудуди орқали ўтувчи, қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турган Шимол — Жануб темир йўлини, қисқа муддатларда барпо этилган Туркманистон — Хитой ва Туркманистон — Эрон газ қувурларини ва минглаб километрларни ташкил этувчи бошқа магистраль газ қувурларини, «Аваз» миллий сайёҳлик зонасидаги кўплаб иншоотларни, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган қурилиш объектларини, йирик кўприк ва автомагистраллар қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишларни, очилган ва фойдаланишга топширилган ўнлаб янги газ конларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Юқорида қайд этилган муҳим лойиҳалар орасида нафақат улканлиги, балки ноёблиги билан алоҳида ажралиб турувчи Қорақум марказида барпо этилаётган туркман кўли — «Олтин аср» гидротехник иншоотини алоҳида қайд этиш жоиз.

Туркманистоннинг ташқи савдо алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳозирги вақтда 129 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатган, 103 мамлакат билан савдо алоқалари олиб бормоқда. 2011 йилнинг январь — июль ойлари якуни бўйича Туркманистоннинг ташқи савдо айланмаси 140 фоиз кўпайди ва 14 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. 2030 йилгача бўлган даврда мамлакат ва унинг ҳудудларини ривожлантириш бўйича миллий дастурлар ҳақида тўхталиш ўринлидир. Шарқ — Ғарб ички газ қувури қурилиши, Лебоп вилоятида калий ўғитлари, Марв вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуалар бу борадаги улкан лойиҳалар сирасига киради. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бергани ва Туркманистон иқтисодиётида ўсиш суръатлари келгусида ҳам сақланиб қолади, деган хулосага келгани бизга катта қувонч ва фахр бахш этади. Туркманистон ташқи сиёсатида ҳам кўплаб янгиликлар бўлди. Унинг ўзига хослиги, авваламбор, шунда кўринадики, Президент Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг ҳар жиҳатдан ҳисобга олинган, илмий асосланган, миллий, минтақавий ва глобал манфаатларни ўзида мужассам этган ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқди. Айнан ушбу стратегия натижасида мамлакатимизнинг ташқи сиёсати қисқа вақтда сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди.

Президентимиз томонидан доимий равишда илгари сурилаётган тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган янги-янги кенг кўламли ташқи сиёсий ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда ҳамда башарият олдида турган, БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида баён қилинган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Туркманистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган хавфсизликнинг яхлитлиги ва бўлинмаслиги тўғрисидаги янги концепция фундаментал аҳамиятга эгадир. Ушбу концепциянинг тамойиллари мамлакатимизнинг ташқи сиёсатга оид йирик ташаббус ва таклифларининг асосини ташкил этади. Биринчи навбатда, бу глобал энергетик хавфсизликни таъминлаш ва БМТ шафелигида энергия манбаларининг жаҳон бозорларига ишончли ва хавфсиз транзитини таъминлаш бўйича универсал механизмларни ишлаб чиқиш учун эксперт гуруҳини, кейинчалик БМТ махсус органи — Энергетикага оид кенгаш тузиш, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, аъзо давлат сифатида Туркманистоннинг халқаро ташкилотлар, авваламбор, БМТ фаолиятида, Марказий Осиёда ва Каспий денгизи ҳавзасида хавфсизликни таъминлаш ва бугунги кундаги бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишда тўлақонли иштироки билан боғлиқдир. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 66-сессиясида илгари сурилган, кенг кўламли, энг асосийси, Туркманистоннинг БМТ, халқаро тузилмалар ва давлатлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини қамраб олган ташаббуслар ҳам ғоят долзарб эканлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз дунё учун очиқмиз, кенг кўламли алоқалар, шу жумладан, маданият соҳасида ҳамкорлик учун очиқмиз». Мамлакатимизда халқаро фестиваллар, маданият кунлари ташкил этилмоқда. Туркманистон ташқи сиёсий курси ўз самараларини бермоқда. Хусусан, Туркманистон — Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, давлатларимиз ўртасидаги дўстона қўшничилик муносабатларини икки қардош халқ, бугунги ва келгуси авлодларимиз фаровонлиги йўлида янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун янги, кенг имкониятлар пайдо бўлди. Сўнгги йилларда ўзаро муносабатларимиз, айниқса, фаоллашди. Мустақиллик йилларида 12 марта олий даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилди, уларнинг ярми сўнгги 5 йилга тўғри келади. Икки томонлама ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва ишонч, мулоқотларнинг мунтазамлиги, томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга муштарак интилишлари билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан жорий йилнинг 5-6 май кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов навбатдаги расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви якунида томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга, эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлар механизмларини ривожлантиришга бўлган муштарак интилиши яна бир бор тасдиқланди. Ташриф доирасида имзоланган 4 ҳужжат Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштиришга қаратилган янги самарали механизмларни яратиш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига ўхшаш ва яқиндир. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги конструктив ва самарали шериклигига мисол бўла олади. Ўзбекистон ва Туркманистон Марказий Осиёдаги сув-энергетика соҳасига оид масалаларда уни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари асосида, минтақанинг барча мамлакатлари манфаатлари ва розилигини ҳисобга олган ҳолда муҳокама этиш лозим, деган умумий позицияни намоён этмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. 2011 йилнинг февраль ойида навбатдаги мажлиси ўтказилган Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг самарали фаолияти ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва 2010 йил якунлари бўйича 267 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2009 йилга нисбатан 155,9 фоиз ўсди. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ошди ва биринчи ярим йилда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 306 фоиз ўсди ва 216,27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон ва Туркманистон углеводород хом ашёси захиралари бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда давлатларимизнинг нефть ва газ соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик хом ашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификациялаш имконини берган Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури қурилиши бўйича йирик лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатларимизнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади. Транспорт коммуникациялари соҳаси иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишдир. Мамлакатларимиз мунтазам юк ташишда учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтаётгани Ўзбекистон ва Туркманистоннинг катта транзит салоҳиятидан далолатдир. Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича имзоланган битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Ишончим комилки, ушбу кўп томонлама лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши савдо-иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратади, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Маданий-гуманитар ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Ушбу соҳадаги алоқалар ҳақида сўз борганда, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркманистонга расмий ташрифи чоғида имзоланган Маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон ва Туркманистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, туркманистонлик санъат усталари Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. Мамлакатимиз санъаткорлари жорий йилда ўтказилган фестивалда ҳам қатнашдилар. Бу ўринда Тошҳовузда 2010 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган ёрқин ва унутилмас воқеаларга бой бўлган Ўзбекистон — Туркманистон Дўстлик фестивалини ҳам қайд этиш жоиз. Жорий йилнинг 6 май куни Бухорода муваффақиятли ўтган мамлакатларимиз санъат усталарининг биргаликдаги концерти, туркманистонлик санъаткорларнинг "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалидаги муваффақиятли иштироки бу хайрли анъананинг мантиқий давоми бўлди. Мамлакатларимизнинг тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигини яққол ифода этувчи ҳамда ўзаро алоқаларимизни келгусида янада мустаҳкамлашнинг кафолати ҳисобланган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мақоламни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг қуйидаги сўзлари билан якунлашни истардим: "Мустақил Бетараф Туркманистон ўз келажагини яққол тасаввур этади, давлат ва жамиятни ривожлантириш бўйича режаларни ишонч билан шакллантирмоқда. Халқаро ҳамкорлик борасидаги кенг кўламли, кўп қиррали пухта сиёсатимиз келажакка ишонч билан қарашимизга имкон беради. Шубҳа йўқки, Бетараф, тинчликсевар Туркманистон бундан буён ҳам сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун зарур барча ишларни амалга оширади, инсоният цивилизацияси тараққиёти ва юксалишига ўз ҳиссасини қўшаверади".

**Солтан ПИРМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси**
**(ЎзА).**

**ЎзРТХБ** котировкалари сўм/кг | УН олий нав 849,3 ▲ +8,7 | УН биринчи нав 647,7 ▲ +0,03 | УН иккинчи нав 583,3 ▼ -0,07 | ПАХТА ЁҒИ 1914,0 ▼ -18,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,3

# МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

***Пойтахтимизда 25 октябрь куни Ўзбекистон — Озарбойжон маданий алоқаларига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.***

Тадбир

Мазкур тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси, Озарбойжон Фанлар академиясининг Меъморчилик ва санъат институти ҳамда Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасалари вакиллари, санъатшунос олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ўринбосари Жалолиддин Миртожиев, Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси маслаҳатчиси Акиф Алиев ва бошқалар истиқлол йилларида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик янги тараққиёт босқичига кўтарилганини, ўзаро муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, маданий жабҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг сентябрь ойида Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи, шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг 2010 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги мазмун билан бойитишга хизмат қилаётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстона алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий йўналишлар қатори маданий соҳада ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Озарбойжон вакиллари икки мамлакатда ўтадиган турли маданият ва санъат фестивалларида, форум ва кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Жумладан, Озарбойжон санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчилари бўлиб, унда бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритган.

Ўзбек ва озарбойжон халқларининг адабий мероси умумий, маданият ва санъати муштаракдир. Озарбойжонда Навоий ёхуд Бобур, Ўзбекистонда Низомий ёки Фузулий асарларини ўқимаган кишини топиш қийин. Икки халқ бу жиҳатдан ҳам бири-бирига катта ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

Тошкентда очилган Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият маркази икки биродар халқнинг дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Конференцияда икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларнинг тарихи, бугунги аҳволи ва истиқболлари, мумтоз мусиқалар анъаналари уйғунлиги, санъат намояндаларининг ўзаро ҳамкорлиги, ўзаро маданий ва маънавий алоқаларга оид маърузалар тингланди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 17 августдаги Ф-3699-сонли Фармойишига мувофиқ, солиқ тушумларини ошириш захираларини топиш ҳолати таҳлил қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Президентимизнинг "Солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари асосида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш бўйича 2011 йил учун мўлжалланган дастурларнинг Самарқанд ва Жиззах вилоятларида бажарилиши, шунингдек, солиқ тўловчилардан ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш кўламини кенгайтириш аҳволи юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ва Сурхондарёда ўтказилган ўрганишлар якунлари танқидий кўриб чиқилди. Ушбу жараёнда аниқланган айрим камчиликларни бартараф этишга доир чоралар белгилаб олинди.

Адлия вазирлиги томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши ишчи органи ва солиқ идоралари фаолиятида тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текшириш ҳамда уларга нисбатан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораларининг қонунийлиги ва асослилиги юзасидан ўтказилган ўрганишларда аниқланган ҳолатлар бўйича берилган тавсияларни амалга ошириш учун барча зарур чоралар кўрилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокамалар давомида марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган 2 нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 27 нафар раҳбар ходимга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилиш сўнггида давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган долзарб вазифаларни бажариш, тўртинчи чорак ҳамда жорий йилни муваффақиятли якунлашга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**

«Агро чикен бизнес»
МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН
КРОСС
ЛОМАН-БРАУН
зотли товуқлар
келишилган нархда
сотилади.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти,
Куйичирчиқ тумани,
«Майдонтол»
қишлоқ фуқаролар йиғини,
«Гулистон» участкаси.
Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 444-45-88,
(+99894) 410-78-89.
1432R/1247

● Реклама ва эълонлар ●

***Бир пайтлар атиги ўттиз уч киши меҳнат қилган "Косон дон маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти кичик бир шохобча фаолиятини эслатарди. Корхонадаги эски жиҳозлар бир кун ишласа, икки кун бекор турар, иншооту ишчиларнинг ҳолати ҳам шунга яраша эди. Бугун эса жамиятга кўпчилик ҳавас қилмоқда. Негаки, у эндиликда кўп тармоқли корхонага айланди, фаолият кўлами кенгайиб, даромади ошди, бу ерда ишлаётганлар сони эса уч юз нафарга етди.***

# КОРХОНАНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



Албатта, бундай муваффақиятларга эришиш осон кечгани йўқ. Айниқса, кейинги йилларда замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилиши натижасида иш ҳажми ортди, дон сақлашнинг самарали усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилди, тежамкорликка катта эътибор берилди. Масалан, илгари дон маҳсулотлари корхона ташқарисидан ўтган темир йўл орқали вагонларга юкланиб, сўнг буюртмачиларга жўнатилар эди. Бу, ўз навбатида, қўшимча куч ва маблағ талаб этарди. Шу боис темир йўл тармоғи корхона ичкарисига киритилиб, маҳсулотлар дон омборхонасининг ўзидан вагонларга юкланадиган бўлди. Шундан сўнг корхонанинг ўзида замонавий тегирмон қуришга киришилди. Бунинг учун банкдан кредит олиниб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Натижада кўп ўтмай, бир кеча-кундузда 60 тонна дон қайта ишланадиган ихчам ва замонавий тегирмон ишга туширилди — ички бозорга корхона ёрлиғи билан чиқарилган ун маҳсулотлари тез орада харидорлар эътиборига тушди. Мазкур хайрли ташаббус 30 кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишига имкон яратди.

Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деганларидек, дастлабки муваффақиятлар жамоани навбатдаги марралар сари руҳлантирди. Пировардида корхона қошида омихта ем тайёрлайдиган цех қурилиши қисқа муддатларда ниҳоясига етказилди. Ҳозир ушбу цехда кунига 30 тонна чорва озуқаси тайёрланиб, буюртмачиларга пешмапеш жўнатилаётир. Айни пайтда тайёр маҳсулотни сифатли ва тегишли меъёрлар асосида сақлаш мақсадида 1000 тонна сиғимга эга йирик омборхона қурилиб, ишга туширилди.

Корхонани ривожлантиришга қаратилган истиқболли режанинг кейинги босқичида эса шу ернинг ўзида нафақат хом ашё, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. Ойига 70 тонна сифатли нон пиширишга мўлжалланган новвойхонанинг ишга туширилиши ушбу эзгу мақсадни рўёбга чиқарди. Натижада шу ернинг ўзида Косон тумани ва қўшни ҳудудларга иссиқ нон етказиб бериш имконияти вужудга келди.

Модернизация

Ишбилармонлик фазилатларини намоён этиб, ҳам меҳнат жамоасига, ҳам эл-юртга наф келтираётган инсонлар эътиборга тушади, хурмат қозонади. "Косон дон маҳсулотлари" МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бориши, фаолияти кенгайиб, маҳсулотлари маҳаллий бозорда харидоргир бўлиши соҳа мутасаддиларида корхонага нисбатан ишонч уйғотди. Натижада Ғузор туманидаги кунига 130 тонна дон қайта ишланадиган замонавий тегирмон жамият тасарруфига ўтказилиб, унинг қошида нон тайёрланадиган цех ишга туширилди.

— Бундан ташқари, Муборак туманидаги дон қабул қилиш шохобчалари ҳам корхона таркибига қўшилди. Косон туманининг "Сурхон", "Гулбоғ" фермер хўжаликлари ҳудудида дон қабул қилиш шохобчалари ташкил этилди. Бу эса етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олишда муҳим омил бўлаётир. Бундай амалий чора-тадбирлар, айниқса, 2011 йил ғалла ўрим-йиғими мавсумида жуда асқотди, — дейди "Косон дон маҳсулотлари" МЧЖ раҳбари Келдиёр Хўжаёров. — Жумладан, корхона жорий йилда жами 40 минг тонна дон қабул қилиб олган бўлса, шундан 8 минг тоннаси сифатли уруғлик ҳисобланади. Жамоа ғалла ҳосилдорлигини ошириш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда уруғликнинг сара бўлиши, яхшилаб қуритилиб, тозаланиши ҳамда турли касалликларга қарши ишлов берishга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, табиийки, замонавий анжомлар билан жиҳозланган уруғлик учун махсус цех қурилгани қўл келмоқда.

— Цехимизда барча қулайликлар мавжуд, — дейди корхона ишчиси Чори Сайфуллаев. — Бу унумли меҳнат қилишимиз, маҳсулотни сифатли тайёрлашимиз учун замин яратаяпти. Илгари корхона ҳудудининг кўп жойи очиқ ва қаровсиз эди. Шу боис бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Цех атрофи ўралди. Ҳозир корхона ҳовлисига кирган кишининг баҳридили очилади: барча бинолар, цехлар таъмирдан чиқарилган, атрофи саранжом-саришта.

— Ғузордаги ун тегирмони "Косон дон маҳсулотлари" МЧЖ тасаррруфига ўтгач, туманимиз ҳудудида меҳр-мурувват тадбирлари кўлами янада кенгайди, — дейди Ғузор тумани хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Ситора Ғаниева. — Корхона ҳомийлигида кам таъминланган оилаларнинг 29 нафар фарзанди учун суннат тўйлари ўтказилди. Кичкинтойлар тўй совғаларига ҳам эга бўлишди.

Мухтасар айтганда, "Косон дон маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти айни кунда тараққиёт пиллапояларидан дадил одимлаб бормоқда. Бу ташаббускорлик, ташкилотчилик самарасидир.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ.**

Фан ва техника янгиликлари

***Тошкент кимё-технология институти олимлари томонидан балиқчилик учун маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан юқори сифатли ва экологик тоза озуқа олиш технологияси яратилди.***

## Экологик тоза озуқа

Гап шундаки, анъанавий усулда етиштириладиган балиқлар ўн олти, ўн саккиз ойда 1,5-2 килограмм вазн тўплаган бўлса, янги технология бўйича тайёрланган озуқа асосида бу миқдор 7-9 килограммни ташкил этади. Бошқача айтганда, уларнинг ўсиш даражаси қарийб уч баравар кўпаяди.

Мазкур технологияни республикамиздаги балиқчилик хўжаликларида қўллаш мумкин.

## Тежамкор усул

***ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан мураккаб азот-фосфорли ўғит олишнинг ўта самарали рационал технологияси ишлаб чиқилди.***

Эътиборлиси, яратилган технология туфайли фосфорли ўғит олиш учун сарф бўладиган катта миқдордаги кислота ва бошқа харажатларни тежаш имкони юзага келади.

Ушбу ўғит ҳар қандай тупроқда юқори самара беради. Қолаверса, унинг таркибидаги фосфор ва кальций моддаларини ўсимликлар тез ўзлаштиради.

**Искандар ХЎЖАЕВ.**

O'ZSANOATQURILISHBANK

қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

| Т/р | Омонат (депозит) номи | Муддати | Бошланғич бадал |
|---|---|---|---|
| Миллий валютадаги омонатлар | | | |
| 1 | "Талаб қилиб олгунча" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 2 | "Мақсадли" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 3 | "Болалар мақсадли омонати" | 10 йил | Чекловсиз |
| 4 | "Фидойи" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 5 | "Наврўз туҳфаси" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 6 | "Коммунал хизматлари тўловига" | 2 йил | Омонат миқдорини белгилаш коммунал тўлов миқдорига ва омонат фоизига боғлиқ |
| 7 | "Ғаройиб" | 1 ой | Чекловсиз |
| 8 | "Кўклам" | 2 ой | Чекловсиз |
| 9 | "Омад" буюм-ютуқли | 18 ой | Чекловсиз |
| 10 | "Мадад-1" | 3 ой | Чекловсиз |
| 11 | "Мадад-2" | 4 ой | Чекловсиз |
| 12 | "Мадад-3" | 6 ой | Чекловсиз |
| 13 | "Соврин-1" | 15 ой | Чекловсиз |
| 14 | "Навқирон" | 3 ой | Чекловсиз |
| 15 | "Камолот" | 6 ой | Чекловсиз |
| 16 | "Ҳадя" | 9 ой | Чекловсиз |
| 17 | "Фойда" | 14 ой | Чекловсиз |
| 18 | "Мадад-4" | 9 ой | Чекловсиз |
| 19 | "Баркамол-1" | 3 ой | Чекловсиз |
| 20 | "Ривож" | 3 ой | Чекловсиз |
| 21 | "Юксалиш" | 30 ой | Чекловсиз |
| 22 | "Кўклам-1" | 3 ой | Чекловсиз |
| 23 | "Тинчлик" | 100 кун | Чекловсиз |
| 24 | "ЛИДЕР" | 6 ой | Чекловсиз |
| 25 | "Ҳамкорлик" | 12 ой | Чекловсиз |
| Хорижий валютадаги омонатлар | | | |
| 1 | "Талаб қилиб олгунча" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 2 | "Муддатли" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 3 | "Капитал" | 6 ой | Чекловсиз |
| 4 | "Манфаат-2" | 7 ой | Чекловсиз |
| 5 | "Соврин-2" | 12 ой | Чекловсиз |
| 6 | "Истиқлол-2" | 3 ой | Чекловсиз |
| 7 | "Мультивалютали" | 18 ой | Чекловсиз |




Омонатингизни бизда сақлаб, даромад олинг!



ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24. www.uzpsb.uz
1443R/

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
2012 йили ишлаб чиқаришдан
ажралган ҳолда ўқиш учун академия
стажёр-тадқиқотчи-изланувчилиги
ҳамда катта илмий
ходим-изланувчилигига ваканд ўринларга
қабул эълон қилади.

Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилик:
08.00.01 — Иқтисодий назария.
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
08.00.13 — Менежмент ва маркетинг.
12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ.
23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жарёнлар.

Катта илмий ходим-изланувчилик:
23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жарёнлар.
12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ.

*Ҳужжатлар 2011 йил 31 октябргача қабул қилинади.*

Манзил:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 232-60-65.
1441R/1223

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ
ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:
- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

*Маҳсулот сертификатланган.*
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru
150R/132

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун
Армстронг
стандарт
гипс
плиталари
600 x 600 мм,
610 x 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238

Ўзбекистон Республикаси "Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари" ассоциацияси жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Аббос Алимбаевга отаси

**Аҳмад АЛИМБАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқаро кинофорум:**

# ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР, УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Европа, Осиё, Африка, Жанубий ҳамда Шимолий Американинг 50 га яқин мамлакатларидан таниқли ва ёш кинематографлар қатнашган кинофорумда тўлиқ, қисқа метражли, бадиий ҳамда анимацион фильмлар намойиш қилиниб, ушбу киноасарлар жаҳондаги таниқли санъаткорлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан махсус мезонлар асосида баҳолаб борилди. Тадбир доирасида фильмлар тақдимоти ва намойишидан ташқари, замонавий кинонинг долзарб муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий анжуманлар, ижодий учрашув ва брифинглар уюштирилганлиги кинематографларнинг ўзаро тажриба алмашуви ҳамда улар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди.

— Юртингизда ижод аҳлига эътибор, санъат ривожи йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳавас қиларли даражада эканлигига гувоҳ бўлдим, — дейди кинопродюсер Пегги Чао (Хитой Тайпейи). — Шуни алоҳида эътироф этмоқчиманки, ўзбекистонлик режиссёрлар ижодига мансуб киноасарлар инсонийлик ва меҳр-оқибат ғоялари ўзига хос тарзда талқин этилганлиги билан кўпчиликка манзур бўлди. Ушбу фильмларнинг аксарияти жаҳон миқёсидаги нуфузли кинофестивалларда муваффақиятли иштирок этишга муносибдир.

— Ўзбекистон, унинг бағрикенг халқи, тарихий ва бетакрор гўшалари режиссёр учун катта илҳом манбаидир, — деди россиялик таниқли режиссёр Никита Висоцкий. — Навбатдаги янги фильмимизнинг асосий қисмини юртингизда суратга олдик ва ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда мароқ билан ишладик. Бугун эса кинофорум муносабати билан яна бир бор шу гўзал диёрга келиш насиб этганидан мамнунмиз. Мафтункор Тошкент бизга янада ёрқин таассуротлар, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этди.

...Саҳнага "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумининг махсус номинациялари билан тақдирланган ижодкорлар бирма-бир таклиф қилинди. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий



кино санъатини изчил ривожлантириш, соҳа мутахассисларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш масалаларига юксак эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этишди. Таъкидланганидек, санъат ҳафталиги доирасидаги ушбу нуфузли киноанжуман миллий санъатимиз ютуқларини халқаро миқёсда намоён қилиш, ёш ижодкорларимиз эришаётган ютуқларни кенг тарғиб этиш ва жаҳон киносининг энг сара намуналарини томошабинларимизга яқиндан таништириш йўлидаги эзгу ишлар сирасидандир.

— Нуфузли кинофорумда ижодим юқори баҳолангани ҳаётимдаги энг қувончли ҳодисалардан бири бўлди, — дейди "Олтин гепард"нинг "Энг яхши эркак роли учун" номинацияси соҳиби Нозим Тўлахўжаев. — Тан олиш керакки, ғурурлансак арзийдиган ютуқларга ўз-ўзидан эришаётганимиз йўқ. Биз, санъаткорларнинг эркин ижодий муҳитда изланишимиз, янгилик яратиб, муваффақиятларга эришишимиз учун катта имкониятлар муҳайё қилингани боис бугун тенглар ичра тенг бўлиб, эътибор, қизиқиш ва эътирофларга сазовор бўлаяпмиз. Бундай ғамхўрликларга жавобан янада юксак чўққиларни забт этишимиз лозим, деб ўйлайман.

— Ўзбекистонга жуда ҳам кўтаринки кайфиятда келган эдим, бу бежиз эмас экан, — дейди кинофорумнинг яна бир фаол иштирокчиси, "Энг яхши қисқа метражли фильм учун" номинациясига сазовор бўлган эронлик ёш режиссёр Шаҳрам Мокри. — Бугунги натижа шу пайтга қадар эришган ютуқларим ичида энг қадрлисидир. Нега деганда, кинофорумда жуда кўплаб маҳоратда тенгсиз режиссёрлар қатнашди. Улар билан бир сафда туришнинг ўзи санъаткор учун катта бахт, аслида. Ижодим юксак мукофотга муносиб кўрилганидан севинчим, ҳаяжоним чексиз...

Шу билан "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми якунига етди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, кинофорумнинг "Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун" номинациясига режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Қўрғошин" номли киноасари муносиб, деб топилди. Шунингдек, "Энг яхши анимацион фильм учун" номинациясига германиялик режиссёр Верена Фелснинг "Мобиль" деб номланган мультфильми сазовор бўлди. "Энг яхши режиссура" ва "Энг яхши аёл роли учун" номинацияларига эса Чанг Цо-Чи (Хитой Тайпейи) ҳамда россиялик Полина Кутепова лойиқ кўрилди. Бундан ташқари, кинофорумда бошқа бир қатор сара фильмлар муаллифларига ҳам махсус дипломлар топширилди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

**Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан**

***Шундай инсонлар борки, улар ҳақида фахрланиб, ғурурланиб гапиргинг келади. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларини, қилаётган эзгу ишларини барчага ибрат сифатида кўрсатиш мумкин. Мана шундай фидойи, юрт ҳимоясига, эл корига камарбаста бўлиб, ёшларга устозлик қилиб, зиммасидаги шарафли вазифасини сидқидилдан адо этиб келаётган инсонлардан бири офицер Алимурод Сайитқуловдир. Намунали хизматлари ҳамда ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган муносиб ҳиссаси инобатга олиниб, мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра, у Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан тақдирланди.***

# ВАТАНГА САДОҚАТ

## ҳам бурч, ҳам масъулият

Ёшлигидан ҳарбийлик касбига бўлган ҳавас Алимурод Сайитқуловни олий ҳарбий билим юрти томон етаклади. Билим юртини намунали ва аъло баҳоларга тугатиб, илк фаолиятини гуруҳ командири вазифасидан бошлади. Ҳозирги кунда у Қуролли Кучларимиз тизимида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг "Тоғ тайёргарлиги" кафедрасини бошқариб келмоқда.

— Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг мазмунига айланган, — дейди А. Сайитқулов. — Ушбу соҳада фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Етук офицерларни тайёрлашга хизмат қилаётган олий ҳарбий билим юртлари истиқлол йилларида янада ривожланиб, замонавий ўқув масканларига айланди. Бизнинг билим юртимизда ҳам маънавий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом офицер кадрларни тайёрлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Билим масканимизни тугатиб, профессионал ҳарбий хизматчи бўлиб шаклланган ҳар бир офицернинг ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, офицер А. Сайитқулов раҳбарлик қилаётган ушбу кафедра турли танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилиб келинаётган "Энг илғор тоғ тайёргарлиги гуруҳи" танловида бир неча бор юқори ўринларга муносиб кўрилган.

— Биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришмоқдамиз, — дейди А. Сайитқулов. — Бунинг учун кафедрамиз ўқув-моддий базаси етарли жиҳозлар, техникалар билан таъминланган бўлиб, курсантларга тажрибали офицерлар томонидан пухта сабоқлар берилмоқда. Уларнинг машғулотлари мукаммал ўзлаштиришлари учун тоғ тайёргарлиги майдончаси, кўргазмали қуроллар, макетлар ва замонавий ахборот ресурслари яратилган.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан 2005 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти негизида ташкил этилган тоғ тайёргарлиги кафедраси бугун кўплаб мутахассисларни миллий армиямиз сафларига етказиб бермоқда. Тоғ тайёргарлиги шаҳарчаси барча зарурий техника ва жиҳозлар билан таъминланган. Икки йўналишга эга тоғ тўсиқларидан ошиб ўтиш йўлакчасида курсантлар соҳа бўйича амалий машқларни ўтказиб, билим ва маҳоратларини ошириб боришаяпти.



**СУРАТДА:** Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқув-машқ жараёни.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиш асносида унинг ўз касбига, вазифасига меҳри баланд эканлигига амин бўлдик. Буни унинг сафдошлари ҳам тасдиқлашди.

— Подполковник А. Сайитқуловни қалбида эзгу мақсадлари жўш ураётган Ватаннинг асл фарзанди, ҳимоячиси деб биламан, — дейди офицер Абдували Қамбаров. — Ташаббускор ва изланувчанлиги билан кўпчиликда яхши таассурот қолдирган. Унинг қўл остидагиларга бўлган муносабати, энг асосийси, уларнинг пухта билим олишлари ва шароитларини яхшилаш бўйича қилган ишлари таҳсинга сазовордир.

А. Сайитқулов бўш вақтларида спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланади. Айниқса, футбол, волейбол унинг севимли машғулотларидан. Спорт усталигига номзод бу ҳарбий хизматчи курсантлик вақтларида бир неча марта спорт мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, подполковник А. Сайитқулов мустақиллигимиз эълон қилинган йилда эгнига курсантлик либосини кийиб, ўз орзусига эришган бўлса, истиқлолимизнинг йигирма йиллигида Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланди. У бу кунларни ҳаётидаги энг бахтли, унутилмас лаҳзалар сифатида тилга олади.

— Менга берилган бундай юксак мукофот зиммамга янада улкан масъулият юклайди. Билдирилган ишончни ёруғ юз билан оқлаш учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.

Юрт ҳимоясига ҳаётини бағишлаган ўғлонлар миллий армиямиз сафларида талайгина. Офицер Алимурод Сайитқулов ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири. Унинг эзгу ниятлари амалга ошиб, бундан-да юксак чўққиларни забт этишига тилакдошмиз.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**

# ЖОНЛИ ИЖРО ЖОЗИБАСИ

***Мард майдонда синалади, деган ибора бор халқимизда. Дарҳақиқат, майдонда энг холис баҳони томошабинлар беради. Унда истеъдод ва маҳорат эгалари рағбатга, эътирофга, олқишга сазовор бўлади.***

***Саҳна — санъат аҳли учун ана шундай катта майдон. Унда хоҳ роль ижро этиш, хоҳ қўшиқ куйлаш, хоҳ соз чалиш бўлсин, масъулияти юксак. Негаки, санъат асари саҳна орқали томошабинлар ҳукмига ҳавола этилдими, у халқ мулкига айланади.***

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Марди майдон!" — жонли ижродаги қўшиқлар фестивали иштирокчиларининг навбатдаги концерти чинакам истеъдодларни саҳнага чорлади. Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Terra Group" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилар ўзаро беллашдилар.

Айтиш жоизки, мазкур танлов-фестиваль концертлари ҳар икки ойда ўтказилиши белгиланган бўлиб, учинчи бор ташкил этилган бу галги ижодий беллашувда ҳар бир қатнашчи эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишлари бўйича шахсий ижоди, мумтоз асарлар ҳамда жаҳон санъати намуналаридан иборат қўшиқларни куйлади.

### «Марди майдон!»

Айниқса, таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод соҳибларининг бир саҳнада куйлаши томошабинларга манзур бўлди. Бу "Устоз — шогирд" анъанаси бардавомлигининг ёрқин ифодасидир. Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова билан бир қаторда "Истиқлол" оркестри, "From.uz" гуруҳи ҳамда ёш хонандалар — Мирзуфар Шарипов, Ҳилола Хўжаева, Азамат Бозоровнинг чиқишлари мухлислар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, ўзбек миллий эстрадаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Юнус Тўраев ижросидаги "Гулчеҳра" таронаси йиғилганларни тўлқинлантириб юборди.

— Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг бош директори Азамат Ҳайдаров. — Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу соҳада дастуриламал бўлаётир.

Мазкур фестивалнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда ҳар бир куй-қўшиқ жонли ижро этилади. Беллашув ғолиблари жорий йил якунида аниқланиб, муносиб тақдирланади. Тадбир якунига қадар эса энг гўзал тароналар теле ва радиоканаллар орқали мухлислар эътиборига ҳавола қилиб борилади.

— "Марди майдон!" биз каби ёш хонандалар учун синов майдони, — дейди тадбир қатнашчиси, хонанда Ҳилола Хўжаева. — Шу боис унда нафақат ғолиб чиқиш, балки иштирок этишнинг ўзи ҳам катта шараф. Фестивалда Фузулий ғазали билан айтилувчи "Суввора" ҳамда халқ мусиқаси асосида басталанган "Сизни дерман" қўшиқларини ижро этдим. Очиғи, томошабинларнинг олқиши мени янада руҳлантирди, илҳомлантирди. Энди ўз устимда янада жиддий ишлаб, бундан-да юксак марралар сари интиламан.

Тадбирда ёш хонандаларнинг ижро маҳорати, овоз имкониятлари, саҳна маданияти билан боғлиқ билим ва иқтидори ҳайъат аъзолари ҳамда мухлислар хулосасига кўра баҳолаб борилди.

**Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО
**(26 октябрь)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 9-11, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ




GRUNDFOSНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси,
100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90,
(+998 71) 150-32-91,
(+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

› КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ
› СЕРВИС ХИЗМАТИ
› МАСЛАҲАТЛАР

700R/520

BE › THINK › INNOVATE ›
GRUNDFOS

• Реклама ва эълонлар •

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИ-ИЗЛАНУВЧИЛАРГА
2012 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:

**«Тупроқшунослик»** — 1 та ўрин.
**«Агрокимё»** —1 та ўрин.
**«Агротупроқшунослик ва агрофизика»** — 1 та ўрин.

*Танлов муддати эълон чоп этилган санадан бошлаб — 15 кун.*

*Қабул «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-371) 246-09-50, 246-07-23. Факс: (8-371) 246-76-00.
1439R/1203

*Тошкент Фотосуратлар уйида фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг навбатдаги ҳисобот кўргазмаси очилди.*

## Она юртга эҳтиром

**Кўргазма**

Кўргазмадан ёш истеъдод соҳибларининг юздан зиёд ижод намуналари ўрин олган. Табиат манзаралари, Ватан тимсоллари, юртимизнинг энг сўлим гўшалари, миллий анъана ва урф-одатлар ифодаланган фотосуратлар томошабинни ўзига жалб қилиши, шубҳасиз.

**Суннат АСТАНОВ.**

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 280,3 ▼ -6,7 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 291,5 ▲ +15 | АРМАТУРА 3269,5 ▲+185,7 | ШИФЕР (1 лист) 15700 ▲+196 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 370,1 ▲ + 0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5